

КЎРГАЗМАДАГИ МАНБАЛАРДА ТАРИХИМИЗ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг китоб музейида ташкил этилган навбатдаги экспозицияда кутубхонада сақланаётган кулёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар, илм-фан, маданиятимизнинг таниқли вакилларининг дастхатли китоблари, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тарихига оид китоблар, маданий ҳаётимиздаги айрим лавҳалар акс этган альбомлар, қадимий ноёб кулёзма китоблар қўйилган.

Кўргазмадан энг қадимий ноёб кулёзма-китоблардан Маҳмуд аз-Замахшарийнинг (1075-1144) милодий XIV аср бошларида кучирилган “Арабча-форсча луғат”и ва Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) милодий XVI аср урталарида кучирилган “Олтин занжир” (Силсилат уз-заҳаб) ўрин олган. Шунингдек, намойишга қўйилган “Туркистон тўплами” (594 жилд. Кўргазмада 6-жилд) кутубхонада сақланаётган энг ноёб манбалардан бири ҳисобланади. Бу тўпلام Марказий Осиёнинг XIX аср охири, XX аср бошларидаги тарихий жараёнларни қамраган, қимматли маълумотлардан ташкил топган.